

Единый портал корпоративной информации

Объявления

“IMKON FINANS mikromoliya tashkiloti” AJ

Объявление

“IMKON FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” AKSIYADORLIK JAMIYATI

“IMKON FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИГА
ХАБАРНОМА!

“IMKON FINANS mikrokredit tashkiloti”

акциядорлик жамияти акциядорларига

ХАБАРНОМА

«IMKON FINANS mikrokredit tashkiloti» акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши 4.000.000 (тўрт миллион) дона, ҳар бирининг номинал қийматида 1 000 (бир минг) сўмдан бўлган оддий акцияларнинг қўшимча чиқарилуви Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги томонидан 2023 йил 17 июл куни №В0341-3 сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини хабардор қилади.

Жамият устави ва Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 35-36-моддалар талабларига асосан жамиятнинг эълон қилинган акцияларини номинал қийматида сотиб олиш юзасидан, жамият акциядорларининг имтиёзли ҳуқуқи мавжудлигини маълум қилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги, яъни 2023 йил 27 июн кунги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Ҳурматли акциядорлар жамият устав капиталини ошириш мақсадида эғалигингиздаги акция улушингизни сақлаб қолиш учун, 4 000 000 (тўрт миллион) дона чиқарилувдаги акциялар доирасида, номинал қийматида 1 000 (бир минг) сўмдан бўлган оддий акцияларни сотиб олишингиз мумкинлигини хабардор қиламиз.

Мазкур имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш эълон қилинган пайтдан эътиборан 14 (ўн тўрт) кун ичида амал қилади. Ушбу муддат ичида ўз улушларингизни сақлаб қолиш мақсадида қўшимча акциялар сотиб олиш бўйича жамиятга ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Жамият акцияларини олиш юзасидан имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати яқунлангандан сўнг, жамият томонидан сони чекланмаган инвесторлар ўртасида акцияларнинг жойлаштирилиши амалга оширилади.

Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар билан Корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz (<http://www.openinfo.uz/>)) ва жамият расмий корпоратив веб-сайти (www.imkonfinans.uz (<http://www.imkonfinans.uz/>)) орқали танишингиз мумкин.

Қўшимча маълумотлар билан танишиш учун Андижон вилояти, Андижон шаҳар, А.Темур шох кўчаси 44-а уй манзилида жойлашган Жамиятнинг маъмурий биносида, хафтанинг иш кунлари соат 9⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача бўлган вақтлар давомида мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефон рақами: 78-298-12-35, e-mail: info@imkonfinans.uz
(<mailto:info@imkonfinans.uz>)

Жамият Кенгаши

26.07.2023 йил

26.07.2023

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/16082/>

Дата: 07.05.2026